

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУСМУХАМЕДОВ АЛИШЕР ИСМАТИЛЛАЕВИЧ

ТАҚСИМЛИ-ИНТЕГРАЛЛАШГАН АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
БОЖХОНА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМИК
МОДЕЛЛАРИ

05.01.05 - Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дусмухамедов Алишер Исматиллаевич

Тақсимли-интеграллашган автоматлаштирилган божхона
ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш
усуллари ва алгоритмик моделлари.....3

Дусмухамедов Алишер Исматиллаевич

Алгоритмические модели и методы безопасности информации
в распределенно-интегрированных автоматизированных
информационных системах таможенных органов.....24

Dusmukhamedov Alisher Ismatillaevich

Algorithmic models and methods of information security of
distributed-integrated automated information systems of customs
authorities.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУСМУХАМЕДОВ АЛИШЕР ИСМАТИЛЛАЕВИЧ

ТАҚСИМЛИ-ИНТЕГРАЛЛАШГАН АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
БОЖХОНА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМИК
МОДЕЛЛАРИ

05.01.05 - Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/T1106 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tuit.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович, техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Керимов Камил Фикратович техника фанлари доктори, доцент Исломов Шахбоз Зокир ўғли . техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «15» июн да соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темура кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


Докторлик диссертацияси билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2648 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темура кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-64-43.

Диссертация автореферати 2021 йил «02» июн кун тарқатилган.
(2021 йил «20» май даги 13 - рақамли реестр баённомаси)




Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ф.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент


С.К.Ганиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодиётнинг реал секторига бўлаётган ахборот хуружларининг даражаси унга ахборот-коммуникация технологияларининг чуқур кириб борганлиги билан ўлчанмоқда. Бунда ахборот тажовузкорларининг асосий мақсади ноқонуний даромад олиш ва ўз молиявий имкониятларини ошириш бўлса, баъзилари кўрсатилаётган хизматларга тўсқинлик қилиш ёки йўқ қилиш нияти билан ҳам шуғулланмоқдалар. Cisco (АҚШ) компаниясининг 2017 йил ахборот хавфсизлигига бағишланган ҳисоботи маълумотларига қараганда, «телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи компанияларнинг 57% ўзларининг ахборот тизимларидан маълумотлар ноқонуний чиқиб кетиши натижасида жамоатчиликнинг салбий эътиборига тушганлиги, сўнгги бир йил ичида ахборот ҳужумлари натижасида даромаднинг 34% камайганлиги, ҳужумлар натижасида 30% мижозлар йўқотишларига учраганлиги» таъкидланади.

Дунё ривожланган давлатларида давлат хизматларига қилинган киберҳужумларнинг учдан бир қисми аниқ мақсадли ҳужумлар ёки ходимлар томонидан маълумотларга ноқонуний эгаллик қилишга уринишлар эканлиги кузатилмоқда. Бунда, Ахборот менежменти жамияти (Society for Information Management - SIM) томонидан ахборот-коммуникация технологиялари тенденцияларини ўрганишдан чиқарган хулосаларига кўра, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳужумлар 38%ни ва инсайдерларнинг маълумотларни ўғирлаши 32%ни ташкил этиб, 2017 йилда киберхавфсизлик учун харажатлар ҳажми компанияларнинг жами харажатлар ҳажмида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 5 устивор йўналишларини белгилаб берган Ҳаракатлар Стратегиясининг «**Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устивор йўналишлар**» номли 5.1. бандида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш масаласи ўзининг долзарблиги ва муҳимлиги даражасида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш вазифаси билан бир қаторда белгилаб ўтилган. Мазкур вазифаларни бажаришда тақсимли-интеграллашган автоматлаштирилган божхона ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва алгоритмик моделларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё ривожланган давлатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия Федерацияси, Хитой ва бошқа мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва халқаро бирлашмаларининг тадқиқот марказлари томонидан давлат органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига юқори эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Julian King (Брюссель), D.Gorodyansky (АҚШ), T.Olavsrud, Peter Sondergaard (Gartner. Inc.раҳбари, АҚШ) лар томонидан тадқиқотлар эълон қилинган.

Шунингдек, Бадван Ахмед Али (Иордания), Россия олимлари Ю.Загинайлов, И.Ажмухамедов – ахборот хавфсизлиги назарияси бўйича, Е.Горелева ва Е.Преображенский – инсайдерлар фаолияти бўйича, В.Герасименко, Л.Ухлинов, В.Шаньгин – автоматлаштирилган ахборот тизимлари хавфсизлиги бўйича, С.С.Куликов– Ахборот-коммуникация тармоқларида ахборот хавфсизлигини бошқариш масаласи, К.О.Полыхань, - ахборот хавфсизлиги сиёсати ва доктринаси, Е.В.Стельмашонок, И.Н.Васильевой– глобал ахборот маконида ахборот хавфсизлиги, Филяк, П.Ю., В.М.Шварев – Корхона ва ташкилотда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, А.Воронов, В.Крошили, Е.Недосекова, В.Скиба– божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимлари бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистон Республикасида С.К. Ганиев - ахборот хавфсизлиги инцидентларини бошқариш, А.В.Қобулов - функционал жадваллар асосида ахборотларни ҳимоялаш, П.Ф.Хасанов - махфий калитлар генерацияси, Д.Е.Акбаров, Ғ. У. Жўраев - ахборотни криптографик ҳимоялаш, К.Ф.Керимов - ахборот ҳимоясининг адаптив усуллари, А.А.Саидов - божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Шунинг билан бирга божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва моделлари ишлаб чиқилмаган ва етарли даражада тадқиқ этилмаган, унинг маълумотлар базаси фойдаланувчиларини бошқаришнинг дастурий таъминоти амалиётга жорий этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий–инновацион марказининг–№ 1/18 Ф сонли «Функционал жадваллар асосида ахборотларни ҳимоялаш учун хавф – хатарларни аниқлаш ва бартараф қилишнинг дастурий таъминоти» (2017-2018) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади божхона органларнинг тақсимли–интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва алгоритмик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

божхона органларнинг тақсимли–интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашнинг верификация усули мезонларини ишлаб чиқиш;

божхона тизимида ташқи савдо ахборот ресурслари маълумотлар базасини яратиш ва уни бошқаришда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг эталон ва адаптив моделларини ишлаб чиқиш;

божхона органларининг тақсимли – интеграллашган автоматлаштирилган ахборот алмашинув тизимлари ҳаёт цикли учун мультикаскадли спирал моделларини қўллаган ҳолда ахборот ресурсларини ҳимоялашнинг горизонтал ва вертикал шартларига мослашган бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш;

божхона органлари ахборот ресурсларини ҳимоялаш тизимини бошқариш алгоритминини қўллаган ҳолда конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори дастурий мажмуасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида божхона органларнинг тақсимли – интеграллашган автоматлаштирилган ахборот алмашинув тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёни олинган.

Тадқиқот предметини божхона органларининг конфиденциал ахборот ресурсларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг верификация усули, эталон ва адаптив модели ҳамда динамик бошқариш алгоритмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборотни ҳимоялаш назарияси, матрицалар назарияси, ахборотли, адаптив ва динамик моделлаштириш, башоратлаш ҳамда объектга йўналтирилган дастурлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

божхона органларининг автоматлаштирилган уч қатламли тақсимланган ахборот алмашинув тармоғи бўйлаб айланувчи ахборот оқими ва интеграллашган ягона маълумотлар базаси конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашнинг верификация усули мезонлари ишлаб чиқилган;

божхона тизимида ташқи савдо ахборот ресурслари маълумотлар базасини яратишга қўйиладиган талаб ва тамойиллар шакллантирилган ҳамда уни бошқаришда конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашнинг эталон ва адаптив моделлари яратилган;

божхона органларининг тақсимли–интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳаёт циклида ахборот ресурсларини ҳимоялаш шартларига мослаштирилган мультикаскадли спирал моделлари ва бошқариш алгоритми таклиф этилган;

божхона ахборот ресурслари фойдаланувчиларга нисбатан ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг горизонтал ва вертикал шартлари, унинг ахборот модели ҳамда ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш тизимини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

божхона органларининг ахборотлаштириш объектларида конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий, техник ва жисмоний ҳимоя қилиш масалаларига бўлган талабларни ўз ичига олган «Ахборот хавфсизлиги сиёсати» ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

божхона органларининг конфиденциал ахборот ресурсларидан фойдаланишда маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини бошқариш алгоритми асосида «Маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори» ягона администрациялаш ва ахборот ресурсларига рухсат бериш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

«Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг божхона органлари ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари учун ахборот хавфсизлиги Намунавий талаблари» ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги божхона органлари вертикал бошқарув таркибий тузилмасига мос ахборот узатиш тармоғининг ахборот модели, автоматлаштирилган ахборот тизимлари функционал қисмлари ҳаёт циклининг мультикаскадли спирал модели, ахборотни тақсимли–интеграллашган қайта ишлаш жараёни хавфсизлигини таъминлашнинг динамик адаптив бошқариш модели ҳамда маълумотлар базасини ҳимоялаш ва конфиденциал ахборот ресурсларидан фойдаланишга рухсат бериш алгоритмларидан олинган реал ва тажрибавий таҳлиллар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган автоматлаштирилган ахборот тизимлари функционал қисмлари ҳаёт циклининг мультикаскадли спирал моделлари, ахборотни тақсимли–интеграллашган қайта ишлаш жараёни хавфсизлигини таъминлашнинг верификация усули мезонлари ҳамда динамик адаптив бошқариш моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти божхона органларининг ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган «Ахборот хавфсизлиги сиёсати» ҳужжати ҳамда «Маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори» ягона администрациялаш ва конфиденциал ахборот ресурсларидан фойдаланишга рухсат бериш тизими орқали горизонтал ва вертикал талаблар ижросини таъминлашни бошқариш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган тақсимли-интеграллашган автоматлаштирилган божхона ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва алгоритмик моделлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

божхона органларининг тақсимли-интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳаёт циклида ахборот ресурсларини ҳимоялаш шартларига мослаштирилган мультикасадли спирал моделлари ва бошқариш алгоритми асосида яратилган «Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими администратори» тизими Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 03-05/6-10009 - сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида фойдаланувчиларни ДБК Марказий аппаратида келмасдан, ҳудудий божхона бошқармалари миқёсида масофадан туриб фойдаланувчилар ҳуқуқларини маъмурлаш имконини яратилган ҳамда мазкур фаолият ишлари учун сарфланадиган вақт 21 соатдан 12 соатга қисқарган, ёки 57,1%га самарадорликка эриш имконини берган;

божхона тизимида ташқи савдо ахборот ресурслари маълумотлар базасини яратишга қўйиладиган талаб ва тамойиллар шакллантириш ва уни бошқаришда конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашнинг эталон ва адаптив моделлари асосида божхона органларининг ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий, техник ва жисмоний ҳимоя қилиш масалаларига бўлган талабларни ўз ичига олган «Ахборот хавфсизлиги сиёсати» ҳужжати Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси ва ҳудудий бошқармаларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 03-05/6-10009 - сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида божхона тизимининг ташқи савдо ахборот ресурслари маълумотлар базасини бошқаришда конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш имконини берган.

божхона органларининг автоматлаштирилган уч қатламли тақсимланган ахборот алмашинув тармоғи бўйлаб айланувчи ахборот оқими ва интеграллашган ягона маълумотлар базаси конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашнинг верификация усули мезонлари асосида «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг божхона органлари ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари учун ахборот хавфсизлиги Намунавий талаблари» Арманистон Республикаси, Озарбайжон

Республикаси, Беларусь Республикаси, Россия Федератив Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона органларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 03-05/6-10009 - сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг божхона органлари ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, 3 таси хорижий (шундан 1 таси Scopus базасида қайд этилган) ва 5 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни ҳажми 118 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Божхона органларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари»** бобида божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйилган талаблар, мазкур йўналишда комплекс ёндашув таҳлили, мавжуд муаммоларни ўрганишга бағишланган.


Ўзбекистон Республикасининг божхона кодекси билан божхона органларига мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, унинг таркибий тузилмалари орасида ахборот оқимларининг функционал схемаси божхона органларини бошқариш тизимининг иерархиясига ўхшайди (1- расм).

Бунда унинг Марказий аппарати ва ҳудудий божхона бошқармалари ўртасида, шунингдек ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постлари ўртасида вертикал ва горизонтал ахборот алмашуви таъминланади.



1-расм. Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмалари ўртасида ахборот алмашуви схемаси

Давлат божхона қўмитасининг ягона корпоратив алоқа тармоғи унинг 151 ахборотлаштириш объектларини ягона корпоратив алоқа тармоғига бирлаштирилган (2-расм).



2 - расм. Давлат божхона қўмитасининг ягона корпоратив алоқа тармоғи схемаси

Ушбу тармоқни ташкил этишда 2 турдаги алоқа воситаларидан фойдаланилган: оптик толали ва радиоалоқа воситалари. Божхона органларининг 151 объектдан:

- 83 таси оптик толали алоқа каналлари орқали;

- 68 таси радиоалоқа каналлари орқали ягона корпоратив алоқа тармоғига бирлаштирилган.

Божхона органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими таркибида 30 дан ортиқ ахборот тизимлари бўлиб, улар божхона органларининг деярли барча фаолият доирасини қамраб олган.

Божхона органларининг ахборот тизимлари ўзининг марказлашган ягона маълумотлар базаси билан хавфсиз ишлашга мўлжалланган бўлиб, унинг фойдаланувчилари барча ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постлари ходимлари, шунингдек, бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари, декларантлар, ташқи савдо юкларини ташувчилар бўлиши мумкин. Бунда улар “Ташқи фойдаланувчилар”, “Идоралараро ахборот тизимлари фойдаланувчилари”, “Божхона ички ахборот тизимлари фойдаланувчилари” ҳамда “Маълумотлар базаси администраторлари” каби ҳуқуқ ва имкониятлари турлича бўлган фойдаланувчилар гуруҳларига бўлинади.

Божхона органларининг компьютер тармоғи ҳамда ахборот тизимлари ўз таркиби, тузилиши ҳамда фойдаланиш характериға кўра тақсимланган ахборот тизими тоифасига кирса, божхона органларининг ягона маълумотлар базаси интеграллашган маълумотлар базаси ҳисобланади.

Бу божхона ягона автоматлаштирилган ахборот тизими маълумотларини тақсимли-интеграллашган ҳолда йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш тамойили асосида фаолият юритишини кўрсатади.

Мазкур тамойил ҳамда божхона органларининг компьютер тармоғи ва ахборот тизимлари таркиби, улардаги ахборот оқими таҳлили натижасида божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланган. Жумладан: - божхона органларининг тақсимли – интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва “Ахборот хавфсизлиги сиёсати” қабул қилинмаган; -мазкур ҳужжатлар билан аниқланган таҳдидлар ҳамда ахборот хавфсизлиги талаблари ижроси ва назоратини таъминлаш усуллари ва моделлари ишлаб чиқилмаган; -ташқи савдо ахборот ресурслари фойдаланувчилари учун ахборот ресурсларини ҳимоялаш алгоритмлари ишлаб чиқилмаган; -маълумотлар базаси фойдаланувчиларини бошқаришнинг дастурий мажмуаси амалиётга жорий этилмаган.


Диссертациянинг иккинчи **«Божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш концепцияси, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар»** бобида божхона органларининг «Ахборот хавфсизлиги сиёсати» ва унинг таркиби, тақсимли – интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг формаллашган

моделли тавсифи, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг бош концепцияси ва унга таҳдид моделлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ахборот хавфсизлиги сиёсати» божхона органларида ахборот хавфсизлиги соҳасида, ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида, электрон ҳужжат айланиши тизимида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш, ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва хавфларни олдини олиш соҳасида, лицензияланган ва миллий дастурий маҳсулотлар соҳасида, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида бўлган асосий талабларни қамраб олган ҳолда тартибга солишга қаратилган (3-расм).

Божхона органларининг тақсимли - интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими (ТИ ААТ АХТТ) объектлари таркиби қуйидагиларни ташкил этади:

1. Фойдаланувчилар (user);
2. Ишчи компьютерлар (workstations);
3. Телекоммуникация тармоғи (LAN);
4. Татбиқий дастурий таъминот(application software);
5. Маълумотлар базасини бошқариш тизими (DbMS);
6. Операцион тизимлар (OS);
7. Сервер қурилмалари (server hardware);
8. Маълумотларни қайта ишлаш маркази жойлашган иншоат (DPC).



3 - расм. Давлат божхона қўмитаси “Ахборот хавфсизлик сиёсати” ҳужжати таркиби

ТИ ААТ АХТТ ҳар бир объектни s_1, s_2, \dots, s_8 деб белгилаб, объектнинг формаллашган тавсифи (1) олинади:

$$S = (s_1, s_2, \dots, s_8) \quad (1)$$

Божхона органлари ТИ ААТ АХТТнинг ҳар бир объекти s_i учун талаблар мажмуини s_{ij} деб белгилаб, мазкур талабларнинг ахборот модели сифатида қуйидаги ахборот матрица олинади:

$$S = \left\{ \begin{array}{cccc} s_{11} & s_{12} & \dots & s_{1n_1} \\ s_{21} & s_{22} & \dots & s_{2n_2} \\ & & \dots & \\ s_{81} & s_{82} & \dots & s_{8n_8} \end{array} \right\} \quad (2)$$

Бу ерда: $i = \overline{1,8}$,

n_i - тартиб рақами i -чи бўлган объект учун мавжуд талаблар сони.

Шу билан бирга, боғхона органлари ТИ ААТ АХТТнинг объектлари учун талабларни моделлаштиришда бир турдаги объектлар бир нечта бўлиши мумкин.

Шу сабабли ТИ ААТ АХТТ объектларининг барча мос элементларини s_{ij}^k деб белгилаб, (2) ахборот матрицаси кўпўлчовли гиперкуб шаклини олади (3).

$$S = \begin{array}{cccc} & s_{11}^K & s_{12}^K & \dots & s_{1n_1}^K \\ & & & \dots & \\ & s_{11}^1 & s_{12}^1 & \dots & s_{1n_1}^1 \\ s_{11}^1 & s_{12}^1 & \dots & s_{1n_1}^1 & \\ s_{21}^1 & s_{22}^1 & \dots & s_{2n_2}^1 & \\ & & & & \\ s_{81}^1 & s_{82}^1 & \dots & s_{8n_8}^1 & \end{array} \quad (3)$$

Бу ерда: n_i - тартиб рақами i -чи бўлган объект учун мавжуд талаблар сони; K - боғхона органлари ТИ ААТ АХТТнинг тартиб рақами i -чи бўлган объект элементлари сони.

Ушбу (3) гиперкуб боғхона органлари ТИ ААТ АХТТ объектларига бўлган талабларни ўзида тўлиқ акс эттирувчи ахборот модели ҳисобланади.

Лекин амалиётда боғхона органлари ТИ ААТ АХТТ объектларига бўлган талабларни моделлаштиришнинг ўзи етарли эмас. Мазкур талабларнинг ижроси таъминланишини тўлиқ назорат қила олувчи

моделгина божхона органларининг тақсимли-интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг формаллашган тавсифини беради.

Бунинг учун қуйидагича белгилаш киритилган:

$$x_{ij}^k = \begin{cases} 1, & s_{ij}^k \text{ талаб ижроси таъминланган бўлса,} \\ 0, & \text{акс ҳолда} \end{cases} \quad (4)$$

Бу ерда s_{ij}^k (3) ахборот матрицаси элементлари.

У ҳолда (4) элементлардан ташкил топган гиперкуб божхона органлари ТИ ААТ АХТТ объектларига бўлган талаблар ижроси таъминланишини ўзида акс эттирувчи ахборот матрицаси ҳосил бўлади (5).

$$X = \begin{array}{cccc} & x_{11}^k & x_{12}^k & \dots & x_{1n_1}^k \\ & & & \dots & \\ & x_{11}^1 & x_{12}^1 & \dots & x_{1n_1}^1 \\ x_{21}^1 & & x_{22}^1 & \dots & x_{2n_2}^1 \\ & & & & \\ x_{81}^1 & & x_{82}^1 & \dots & x_{8n_8}^1 \end{array} \quad (5)$$

ТИ ААТ АХТТнинг ҳар бир s_1, s_2, \dots, s_8 объектига ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қуйилган талабларнинг тўлиқ ижросини назорат қилиш шarti қуйидаги кўринишда бўлади:

$$R(s_m) = \prod_{k=1}^K \prod_{j=1}^{n_m} x_{mj}^k \quad (6)$$

Бу ерда $m = \overline{1,8}$.

Таъкидлаш лозимки, (6) билан аниқланган $R(s_m)$ функция фақат 0 ёки 1 қийматни қабул қилиб, 1 қийматга фақат ва фақат ТИ ААТ АХТТнинг s_m объекти учун барча талаблар ижроси таъминлангандагина эришади. ТИ ААТ АХТТнинг s_m объекти учун бирор талаб ижроси таъминланмаган бўлса, у ҳолда $R(s_m)$ функция 0 қийматда қолаверади.

Юқорида (3)-(6) билан келтирилган ифодалар божхона органларининг тақсимли-интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг формаллашган тавсифини беради.


Диссертациянинг учинчи «**Ахборот хавфсизлигини таъминлашни бошқариш усуллари ва моделлари**» бобида ТИ ААТ АХТТ объектлари учун барча талаблар ижроси таъминланганлигини назорат қилиш усули сифатида *верификация* усули қўлланилган.

Верификация усули универсал назорат усули бўлиб, унинг моҳияти икки таркибий қисмни шакллантириш ва уларни ўзаро таққослаб, хулоса қилишдан иборат. Бу икки таркибий қисмнинг *биринчиси* назорат қилинаётган объект учун эталон талаблар (хусусияти), иккинчиси назорат объектнинг жорий параметрлари ҳисобланади. Назорат натижалари ижобий бўлиши учун ҳар икки таркибий қисм ўртасида бирқийматли мослик бўлиши талаб этилади. Диссертацияда верификация усулининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган объект учун эталон талаблар (хусусияти) сифатида “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати” қабул қилинган.

Тақсимли – интеграллашган ААТда ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини бошқариш ташқи ва ички бузғунчи факторлар (БФ) мавжуд бўлган шароитда ахборот ҳимояланганлигининг талаб этилган кўрсаткичларига эришиш мақсадида АХТТ элементларига мақсадли таъсир ўтказишдан иборат деб тушунилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун ахборот тизимлари дастурий мажмуаси фаолиятининг давомийлик (хаёт) цикли муҳим роль ўйнаши сабабли унинг “тескари алоқали модели”, “каскадли модель”, “оралиқ назоратли модель” ва “мультикаскадли спирал модель” каби бир неча моделлари тадқиқ этилган ва оптимал моделлаштириш шартлари келтирилган. Шунингдек, динамик верификациялаш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини бошқариш моделлари таҳлили этилиб, эталон модели адаптив бошқарув модели ишлаб чиқилган.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари дастурий таъминотининг хаёт цикли моделлари ичида энг оптимали *спирал модели* эканлиги ўз тасдиғини топган ва божхона органлари ТИ ААТ учун шундай модель яратилган (4-расм.) Бу модель ААТни ишлаб чиқувчиларнинг фойдаланувчилар билан фаол мулоқотда бўлишини назарда тутди ва ААТни ишлаб чиқиш ва ишлатиш давомида доимий тўғрилаб туриладиган модель сифатида тақдим этилади.



4- расм. ААТ ҳаёт циклининг спирал модели

Спирал моделда таҳлил ва лойиҳалаш босқичларига асосий урғу берилиб, бу босқичларда техник ечимларнинг амалга оширилиши ТИ ААТнинг прототипларини яратиш йўли билан текширилади. Спирал модел аввалги босқичнинг тугабини кутмасдан, кейинги босқич устида ишни бошлаб юборишга имкон беради.

Спирал модел ТИ ААТдан фойдаланиш имкони мумкин қадар эртарок яратишга, заруриятга қараб, ишлаб чиқиладиган тизимга қўйиладиган талабларга ўзгартиришлар киритиб боришга мўлжалланган ва спиралнинг ҳар бир “ҳалқали бутоғи” ААТнинг фрагменти ёки версиясини яратишни билдиради.

ТИ ААТ АХТТни верификациялаш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини адаптив бошқариш математик моделлаштириш, ТИ ААТ ҳаёт цикли жараёнини тавсифлаш ва бошқарувчи таъсирлар натижаларини башорат қилишни назарда тутади.

ТИ ААТ АХТТнинг фаолият юритиши қўйидагича кортеж билан тавсифланадиган муҳитда юз беради:

$$Q(t) = \langle X(t), H(t) \rangle \quad (7)$$

бу ерда:

$X(t)$ – муҳитнинг бошқарилувчи характеристикалари. Буларга маълумотлар оқимлари, абонентларнинг ваколатлари, криптографик протоколларнинг параметрлари ва шу кабилар киради;

$H(t)$ - муҳитнинг бошқарилмайдиган характеристикалари. Буларга АХТТ элементларининг ишдан чиқишлари, рухсат этилмаган кириш (РЭК)га уринишлар ва шу кабилар киради.

Агар АХТТнинг жорий ҳолатини $Y(t)$ деб белгиласак, у ҳолда $Y(t)$ муҳитнинг ҳолатига - $Q(t)$ ҳамда $U(t)$ бошқарувни амалга ошириш ҳолатига боғлиқ бўлади. $U(t)$ бошқарувни амалга ошириш ҳолати эса ўз навбатида:

$$U(t) = \langle U_{norm}(t), U_{tez}(t) \rangle \quad (8)$$

бу ерда:

$U_{norm}(t)$ – АХТТ элементларини норматив бошқариш функцияси;

$U_{tez}(t)$ – АХТТ элементларини тезкор бошқариш.

Бошқарув факторларининг тезкор ва норматив бошқарувларга $U(t)$ ажратилиш РЭЖга уринишларнинг жойи ва вақти номаълум бўлган шароитларда АХТТ элементларини бошқариш масалаларини самарали ҳал этиш имконини беради


АХТТнинг жорий $Y(t)$ ҳолати у фаолият юритаётган муҳит- $Q(t)$ ҳамда $U(t)$ бошқарувни амалга ошириш ҳолатига боғлиқлиги инобатга олинса,

у ҳолда:

$$Y(t) = Y\{Q(t), U(t)\} = Y\{Q(t), U_{norm}(t), U_{oper}(t)\} \quad (9)$$

тенглик ўринли бўлади. Бу эса АХТТнинг жорий $Y(t)$ ҳолатини аниқлаш ҳамда эталон моделдаги характеристикалар билан солиштирган ҳолда ахборот хавфсизлигини верификация қилиш имконини беради.

Диссертациянинг тўртинчи “**Ахборотлаштириш объектларида маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори тизими**” бобида божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг энг бўш нуқтаси бўлган, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этмайдиган фойдаланувчилар - «инсайдерлар» хавфи таҳлил этилган ва улар учун горизонтал ва вертикал шартлар ишлаб чиқилган.



5- расм. Божхона органларининг ахборот ресурсларида хавфсизлигини бошқариш алгоритми

Мазкур шартлар ижро механизми сифатида “рухсат бериш” ахборот матрицаси (RB-матрица) қўлланилган ва божхона ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларни бошқариш алгоритми ҳамда дастурий мажмуасининг асосий функционаллари келтирилган (5-расм).

Божхона органларининг маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори тизими Ягона администрациялаш ва ахборот ресурсларига рухсат бериш (ЯАРБ) дастурий мажмуаси шаклида амалиётга жорий этилган.

Божхона органларининг конфиденциал маълумотларини химоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори тизими дастурий мажмуасини амалиётга жорий этилиши натижасида фойдаланувчиларни ДБҚ Марказий аппаратига келмасдан, ҳудудий божхона бошқармалари миқёсида масофадан туриб маъмурлаш имкони яратилган ҳамда ушбу жараён учун сарфланадиган вақт 21 соатдан 12 соатга қисқарган, ёки 57,1 %га самарадорликка эришилган

ХУЛОСА

Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида божхона органларининг тақсимли–интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг верификация усули, динамик адаптив бошқарув ва ахборот тизимлари ҳаёт циклининг мультикаскадли спирал моделлари, ахборот ресурслари фойдаланувчиларини динамик бошқариш алгоритми ҳамда маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори тизими дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар самараси ўлароқ қуйидаги натижалар олинди:

1. Божхона органларининг тақсимланган ахборот узатиш тармоғи архитектураси ва унинг интеграллашган ахборот ресурслари маълумотлар базаси таҳлил этилиб, давлат божхона қўмитаси ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг тақсимли – интеграллашган ҳолда фаолият юритиш тамойили асослаб берилган.

2. Божхона органларининг ахборотлаштириш объектларида конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий, техник ва жисмоний ҳимоя қилиш талабларини ўз ичига олган «Ахборот хавфсизлиги сиёсати» ишлаб чиқилиб, ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган ва улар билан келишилган ҳолда божхона амалиётига жорий этилган.

3. Ахборот хавфсизлиги шартларига мос равишда божхона органларининг ахборотлаштириш объектларида конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш масаласининг саккиз қатламдан иборат ахборот матрицаси – кўпўлчовли гиперкубдан иборат формаллашган тавсифи, назоратнинг мантикий мезонлари ҳамда унинг математик ифодаси олинган.

4. Божхона органлари ахборот алмашинув тизимида конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш тизими талаблари ижросини мунтазам назорат қилиб борилишини таъминловчи верификация усули ҳамда динамик адаптив модели татбиқ этилган.

5. Ташқи ва ички бузғунчи факторлар мавжуд бўлган шароитларда конфиденциал ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини бошқариш модели сифатида ахборот тизимлари ҳаёт циклининг олти босқичдан иборат спирал модели ишлаб чиқилган.

6. Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар хавфи - «инсайдерлар» таҳлил этилган ва улар учун горизонтал ва вертикал шартлар мажмуи ишлаб чиқилган. Мазкур шартлар ижро механизми сифатида ахборот ресурсларидан фойдаланишни бошқариш функционал матрицаси ва алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда жорий этилган.

7. Божхона органларининг «Маълумотларни ҳимоялаш, улардан фойдаланишга рухсат бериш администратори» тизими дастурий мажмуаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши натижасида фойдаланувчиларни

ҳудудий божхона бошқармалари миқёсида масофадан туриб маъмурлаш имкони яратилди ҳамда ушбу жараён учун сарфланадиган вақт 21 соатдан 12 соатга қисқарди, ёки 57,1 %га самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ДУСМУХАМЕДОВ АЛИШЕР ИСМАТИЛЛАЕВИЧ

**АЛГОРИТМИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ И МЕТОДЫ БЕЗОПАСНОСТИ
ИНФОРМАЦИИ РАСПРЕДЕЛЕННО - ИНТЕГРИРОВАННЫХ
АВТОМАТИЗИРОВАННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ
ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНОВ**

05.01.05 - Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/T1106

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович,
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Керимов Камил Фикратович,
доктор технических наук, доцент

Исломов Шахбоз Зокир угли
доктор философии по техническим наукам
(PhD), доцент


Ведущая организация: Национальный университет Узбекистана имени
Мирзо Улугбека


Защита диссертации состоится «15» сентября 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 2648). Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «02» июня 2021 года.
(Реестр за № 13 от 20 июня 2021 г)




Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор


Ф.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент


С.К.Ганиев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уровень информационных атак на реальный сектор экономики определяется глубоким проникновением в нее информационно-коммуникационных технологий. Хотя основной целью злоумышленников является получение незаконного дохода и увеличение своих финансовых возможностей, некоторые из них в настоящее время также занимаются и блокировкой или уничтожением услуг. Согласно отчету по информационной безопасности компании Cisco (США) за 2017 год, 57% телекоммуникационных компаний попали под отрицательное внимание общественности в результате утечки данных из своих информационных систем, у 34% телекоммуникационных компаний снизился доход из-за информационных атак за последний год, 30% телекоммуникационных компаний понесли потери клиентов в связи с теми же информационными атаками.

В развитых странах мира треть кибератак на государственные службы представляют собой информационные атаки с явной конкретной целью или попыткой незаконного овладения информацией сотрудниками. В то же время целевые атаки составляли 38%, а похищение информации инсайдеров - 32%, и согласно выводам из отчета Общества по управлению информацией (SIM), в котором рассматриваются тенденции в кибербезопасности, объем затрат на кибербезопасность в 2017 году занимает третье место среди общих затрат компаний.

В Республике Узбекистан особое внимание уделяется на обеспечение информационной безопасности. В пункте 5.1 Стратегии Действий определяющих 5 приоритетных направлений дальнейшего развития Республики Узбекистан утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 от 7 февраля 2017 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» года указано, что «Вопрос обеспечения информационной безопасности и совершенствования системы защиты информации, своевременного и достойного ответа на информационные атаки по своей актуальности и важности стоит на одном ряду с вопросами защиты Конституционного строя, суверенитета, территориальной целостности Республики Узбекистан, укрепления обороноспособности государства, повышения боевой мощи и потенциала Вооруженных Сил Республики Узбекистан».

Таможенные органы Республики Узбекистан являются правоохранительным органом и вопрос обеспечения информационной безопасности на его объектах информатизации считается неотъемлемой составной частью общегосударственной информационной безопасности. В «Дорожной карте» по широкому внедрению в деятельность таможенных органов информационно-коммуникационных технологий и их развитию на 2018-2020 годы утвержденному Постановлением Президента Республики Узбекистан за №ПП-3665 от 12 апреля 2018 года «Об организации деятельности органов

государственной таможенной службы Республики Узбекистан» особое внимание уделено обеспечению информационной безопасности в органах таможенной службы.

Разработка методов обеспечения информационной безопасности и алгоритмических моделей в распределенно - интегрированных автоматизированных таможенных системах является актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени осуществлению задач определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 ««О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»» от 7 февраля 2017 года, УП-5379 «О мерах по совершенствованию системы государственной безопасности Республики Узбекистан» от 14 марта 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3665 «Об организации деятельности органов государственной таможенной службы Республики Узбекистан» , а также других отраслевых нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития республике науки и технологий IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Правоохранительные органы развитых стран мира, страны Европейского Союза, Российская Федерация, Китай и другие страны, а также исследовательские центры международных объединений уделяют особое внимание вопросам обеспечения информационной безопасности в государственных органах. В частности, Julian King (Брюссель), D.Gorodyansky (США), T.Olavsrud, Peter Sondergaard (руководитель Gartner. Inc., США) опубликовали свои работы в этой области.

